O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
28 NOYABR
PAYSHANBA
№ 145 (27.004)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ТАҲЛИЛ ВА ШАРҲ

ПАРЛАМЕНТЛАР ҲАМКОРЛИГИ – ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИ

«...ПАРЛАМЕНТЛАР РАҲБАРЛАРИ БИР ДАВРАГА ЙИҒИЛГАНИНИНГ ЎЗИ КАТТА ГАП. ҚОЛАВЕРСА, БУНДАЙ АНЖУМАНГА ЭҲТИЁЖ ҲАМ КАТТА ЭДИ...» деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда 18 ноябрь куни «Марказий Осиё ҳамкорлиги — (МОҲ)» ташкилотига аъзо мамлакатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон парламентлари вакилларининг Тошкентда ўтган биринчи учрашуви иштирокчиларини қабул қилган кезларда. Биласиз, Ўзбекистон бу ҳамкорлик ташкилотининг фаол аъзоси.

Аслида, бундай йиғинни ташкил этиш ҳақида илгари ҳам минтақа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувларида кўп бор айтилса-да, амалда бунга эришилмай келинарди. Юртбошимиз мазкур учрашув нафақат МОҲга аъзо мамлакатлар, балки минтақамизнинг барча давлатлари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, шу йил (5-6 октябрь кунлари) Душанбедаги Саммитда уни Тошкентда ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари парламентлар вакилларнинг бир даврага йиғилиши минтақамизда иқтисодий интеграция, сиёсий, ижтимоий, маданий, илмий ва кўплаб бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда эътиборли моҳиятга эгалигини алоҳида уқтириб ўтди.

Ислом Каримов **«Уларнинг яқин ҳамкорлиги — ҳар қандай жабҳадаги алоқалар самарадорлигини ошириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир»,** — дея айтган ўз фикрини анжуман қатнашчиларига йўллаган табрик хатида ҳам ифодалади: **«Умид қиламизки, парламент фаолиятига оид мамлакатларимизда ортгирилган амалий тажрибаларни биргаликда мушоҳада этиш — ютуқ ва камчиликларни яхшироқ кўриш, қонун яратиш фаолиятининг янги шакл ва услубларини эгаллаш ҳамда қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари ривожидаги замонавий йўналишларни аниқ кузатиб бориш имконини беради».**

Дарвоқе, МОҲга аъзо мамлакатларнинг парламентлараро ҳамкорлиги ҳаётий зарурат бўлиб, давлатлараро муносабатларнинг анчадан буён қўлланилаётган шаклидир. Ёш давлатлар мустақил ривожи ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконияти мавжуд бўлган ҳозирги вақтда мамлакатларимизнинг олий қонунчилик ҳокимияти органлари тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас. Чунки кўҳна тарих олдида жуда қисқа давр бўлса-да, истиқлолда ўтган йиллар ичида минтақамиз давлатлари парламентларидаги қонунчилик ҳокимияти ўзларининг расмий вакиллигидан то чинакам парламентаризмгача бўлган мазмундор йўлни босиб ўтишди. Айниқса, давлат мустақиллигига эришиш — миллий парламентларга халқ ҳокимиятчилигининг муҳим институтларидан бирига айланиш имконини берди. Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари эса минтақамиздаги суверен давлатларда янги жамият қурилишининг ҳуқуқий кафолатини таъминлади.

Шу боисданки, эндиликда давлат аҳамиятига эга ҳар қандай масалалар ва ҳатто муаммолар ҳамкорликка аъзо мазкур мамлакатлардаги ваколатли мавжуд сиёсий кучлар ҳамда аҳолининг ижтимоий қатламлари вакилларидан иборат парламент якдиллиги билан ҳал этилмоқда.

Айни шу нуқтаи назардан ҳам учрашувда бундай ҳамкорлик — халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги дўстликни, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили, деган якдил фикрга келинди. Зеро, бундай ҳамкорлик давлатларимизнинг ташқи сиёсий устуворликларига, уларнинг ўзаро келишувларига, тарихий илдизлари, анъаналари, маданияти бир бўлган тўрт қардош халқлар манфаатлари ва умидларига тўла мос келиши ҳам, шаксиз!

(Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАЪРУЗАСИ ҲИНД ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги маърузаси хорижий элларда ўз акс-садосини бермоқда. Ҳиндистон сиёсий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси юзасидан ўз муносабатини билдирди.

Ҳиндистон Республикасининг собиқ Бош вазири И.К. Гужрал мазкур муҳим ҳужжат хусусида ўз фикрини баён этар экан, ушбу маърузада нафақат ўзбек давлатининг, балки бутун дунё келажаги аниқ-равшан кўрсатиб берилганини таъкидлайди.

Ҳиндистон ОАВ институти профессори К.М. Шривастава мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа фурсат ичида Президент Каримов раҳнамолигида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритганини билдирди.

«Менинг назаримда, қарийб бир пайтда мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон энг оқил йўлни танлай билди. Мен қонун устуворлиги, босқичма-босқич тараққий этиш ҳамда кучли ижтимоий сиёсат юритишга асосланган ривожланишнинг ўзбек моделини алоҳида қадрлайман. Президентингизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ IX сессиясида сўзлаган нутқида ўзбек моделининг муваффақияти ўзининг амалий тасдиғини топди. Давлатингиз раҳбари нутқидаги ОАВга оид чуқур мазмун-моҳиятга эга фикрлари менда алоҳида таассурот қолдирди. Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, ошкоралик, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлаш борасида ОАВ соҳасини энг муҳим, устувор йўналишлардан бири сифатида тилга олгани эътиборга сазовордир. Ана шундай оқилона раҳбарлик остида тараққий этаётган Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг самимий ҳамкорлиги истиқболи порлоқдир», деб ёзади профессор.

Истеъфодаги генерал Рамеш Чопра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг энг кейинги нутқи билан танишиш имконияти яратилганидан мамнуният изҳор этар экан, унда Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига оладиган мазмун-моҳият мужассамлигига алоҳида урғу берди.

Хавфсизлик, қуролли кучларни ислоҳ қилиш ва замонавийлаштириш борасидаги Президент таклифлари Ўзбекистон суверенитетини ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги мавқеини муносиб равишда муҳофаза этадиган, пухта, жипслашган, ихчам ва қудратли армия барпо этилишини таъминлашига шубҳа йўқлигини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқига Жавоҳарлал Неру университети профессори Нирмала Жоши, Ҳиндистондаги Ҳамдард университети Тадқиқотлар ва архив маркази директори Саид Али, Ҳиндистон Савдо ва саноат палаталари уюшмасининг раиси Анил Агарвал ва бошқа бир қанча ҳинд жамоатчилиги вакиллари ўз муносабатларини билдирди.

■ **Шуҳрат УМИРОВ,**
«Жаҳон» АА мухбири

Ўзбекистон — Корея: КОРХОНА РАВНАҚ ЙЎЛИДА

Фарғона вилояти республика халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бу заминнинг бой имкониятлари, беқиёс ишлаб чиқариш қуввати алоҳида мавқега эга. Жумладан, бу ердаги «Буюк ипак йўли» Фарғона ипак ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ана шундай йирик ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Корхона мустақиллик йилларида ўсди, улғайди. Янги-янги цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари билан кенгайди. Иш унуми ва сифатини ошириш, янги меҳнат ўринлари ташкил этиш борасида изланишлар олиб борилди. Мустабидлик йилларининг эски андозадаги технологияларидан воз кечилиб, пилла хомашёсидан жаҳон андозалари талаблари даражасидаги ипак ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилди. Ҳозир жамият жамоаси пиллани қайта ишловчи эскириб қолган дастгоҳлари ўрнига 1 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорида Корея давлатининг янги замонавий технологиясини олиб келиш жараёнига киришди.

Янги замонавий дастгоҳлар ишга тушгач, корхонада ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ошади ва яна ўнлаб янги иш ўринлари очилади. Айни пайтда бу ерда 1300 нафар ишчи меҳнат қилади. Энг муҳими, яратилган қулай меҳнат шароитлари ва ижтимоий муҳофаза ғамхўрликларидан ишчи-хизматчилар хурсанд.

■ **Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

✧✧✧

Суратларда: корхонада ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топаётган ёш лаборант Зилола Муллабоева иш устида; биринчи пилла чуваш цехи бошлиғи (чапдан) Анвар Пўлатов, илғор ишчи Шаҳзода Мирзакаримова ва уста ёрдамчиси Дилбар Ҳошимова маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

■ **Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
олган суратлар

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, Франция Республикаси ёшлар ишлари, халқ таълими ва тадқиқотлар вазирликлари таклифига мувофиқ фаранг тили ва маданиятини тарғиб қилишдаги катта хизматлари учун Фиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори, 6-синф ўқувчилари учун фаранг тили дарслиги муаллифларидан бири Саид Раҳмонов мазкур давлатнинг Пальма академик кавалери ордени билан тақдирланганди.

Яқинда ана шу юксак мукофотни топшириш учун мактабга Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак Андре Костий жаноблари ташриф буюрди. У мукофотни тантанали равишда топшираркан, бундан буён ҳам ўзбек ва фаранг халқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ТЕРРОРИЗМ — АСР ВАБОСИ

«ЕР ШАРИ – ИНСОНИЯТНИНГ УЙИ...»

Дунёнинг машҳур адиблари терроризмнинг тинчлик, тириклик, инсоният ҳаётининг ёвуз душмани эканлигини яна бир бор таъкидладилар

XXI асрда инсоният ўз кашфиётлари ҳузурини кўриб, бахтли-саодатли яшайдими ёхуд цивилизация мурватини бошқаролмай қоладими, цивилизация инсонга бўйсунмаса нима бўлади, деган умумхавотирли саволлар ечимини кутаётган паллада ер юзига террор қутқуси ҳам қалқиб чиқди.

Тўғриси, терроризм хавфи аввал-аввалдан ҳам бор эди. Наркобизнес, қурол-яроғ савдосининг авж олиши, диний ақидапарастликнинг таъсири кучайиши терроризм учун имконият яратиб берган эди. Фақат танаси бошқа дард билмас, қабилида яшаган айрим қудратли давлатлар ҳали террорнинг дунёнинг бир нуқтасида қолиб кетиши мумкин эмаслиги, унинг чегара билмаслиги, терроризм дунёнинг исталган жойида хуруж қилишини чуқур англаб етмаган эдилар.

Хуллас, бугунга келиб инсоният англаб етган ҳақиқат шу: терроризм — дунёни таҳликага солган, бутун одамиятнинг бошига бало-қазо ёғдирадиган, сайёрамиз тинчлигига путур етказадиган ёвуз куч!

Шундай хулоса билан турли давлатларда яшаётган, дунёга таниқли адиб ва шоирлар билан шу мавзуда сим орқали суҳбатлашдик.

■ 2-бет ➔

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«Итера» компанияси халқаро гуруҳи ва «ЛУКОЙЛ» компанияси мутахассислари йирик инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки техник иқтисодий асослашни якунладилар. У «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда маҳсулотларни тақсимлаш тўғрисидаги битим шартларига кўра, Бухоро вилоятидаги газ конларини комплекс ўзлаштириш ҳамда фойдаланишни кўзда тутади. «Итера» халқаро энергетика компаниясининг республикамиздаги ваколатхонаси бошлиғи ўринбосари Александр Ахтямовнинг таъкидлашича, ушбу инвестиция лойиҳаси мамлакат иқтисодиёти учун ўта йирик ва истиқболли лойиҳадир.

«Итера» Россиянинг энг йирик хусусий газ қазиб олувчи компанияси бўлиб, у газ сотиш ҳажми бўйича жаҳондаги бешта етакчи трейдердан бири ҳисобланади. Айни чоғда, ўзи ҳам газ қазиб олиш суръатини ошириб бормоқда.

— Ўзбекистондаги нефть-газ компаниялари билан амалий ҳамкорлигимиз бир неча йўналишда олиб борилмоқда, — дейди Александр Равильевич. — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда Ўзбекистон газини Украина ва МДҲнинг бошқа давлатларига экспорт қилиш, шунингдек, Туркманистон газини республика ҳудуди орқали жўнатиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз.

■ **Алишер БЕК**

ЭПИГРАММА

У ҳамма-ҳамманинг теккан жонига,
Заққум сингиб кетган буткул қонига.
Ундан ҳазар қилар ҳатто ажал ҳам,
Чақирса кучук ҳам келмас ёнига.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил 12 ноябрь.

КЕЧА ВА БУГУН

Бугун қайси соҳада бўлмасин, эришилаётган ютуқлар моҳиятини, қадрини янада чуқурроқ англаш учун кечаги кунни эслаш, қиёслаш лозим бўлади. Жумладан, мамлакатимизнинг нефть мустақиллиги ҳақида ҳам гап кетгудек бўлса, табиийки, кўз олдимизда узоқ ва яқин ўтмиш намоён бўлади. Хусусан, деярли ҳар куни ёки кунаро нигоҳимиз тушиб турадиган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари (АЁҚШ) ёнидан ўтаётиб, уларнинг кечаги ва бугунги манзараси диққатимизни тортади...

Мана, бу тасвирларга эътибор қилинг.

Уларнинг бири — Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивидан олинган. Унда яқин ўтмиш — Фарғона-Қирғули ёнилғи қуйиш шаҳобчасининг 1972 йилдаги кўриниши акс этган.

Ўнгдаги суратда эса истиқлол йиллари ўзгаришлари билан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг юксак савиядаги барча турларини ўзида мужассам этган мукаммал жиҳозли замонавий ёнилғи қуйиш шаҳобчаси.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ЯНА БИР ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Маълумки, Олий Мажлиснинг шу йил 29-30 август кунлари бўлиб ўтган IX сессиясида муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Ушбу Қонун лойиҳаси ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилиши, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Қонун лойиҳаси мукаммал ишланган бўлиб, тегишли масалаларни асосан тўлиқ қамраб олган.

Шу билан бирга, лойиҳа бўйича бир неча таклиф ва мулоҳазалар билдиришни ўринли, деб билдим.

Чунончи, Қонун лойиҳасининг **5-моддасида** ахборот эркинлигининг асосий принциплари кўрсатилган **6 ва 7-моддаларда** эса мазкур принциплар мазмуни очиб берилган. Юқорида қайд этилган **5, 6 ва 7-моддаларни бирлаштириш** мақсадга мувофиқдир.

8-модданинг 3-хатбошисидаги *«жамоат ташкилотлари»,* жумласидан олдин **«сиёсий партиялар»** жумласини киритишни таклиф қилар эдим. Бу сиёсий партияларнинг мавқеини оширишга ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман.

13-модданинг 3-хатбошисидаги «бузувчи» сўзи ўрнига **«ошкора қилувчи»** жумласини ишлатган маъқул, деб биламан.

Русча матнда бузувчи маъносини берувчи сўз тўғри ишлатилган, лекин, ўзбек тилида бу сўзни шу ўринда ишлатиш тўғри эмас, деб ҳисоблайман.

14-модданинг 3-хатбошисидаги *«қонунга хилоф равишда»* жумласини тушириб, мазкур хатбоши **«ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик»,** деган таҳрирда берилгани маъқул.

Умуман олганда, бундай Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик жамият қурилиши йўлида олиб борилаётган ишларга ўзининг салмоқли, ижобий ҳиссасини қўшиши, шубҳасиз.

■ **Маҳмуд ТОИРОВ,**
Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими

ТАҲЛИЛ ВА ШАРҲ

ПАРЛАМЕНТЛАР ҲАМКОРЛИГИ — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОЛИЯГА ДОИР ЁРДАМЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ, МАМЛАКАТНИНГ БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — БИЗ УЧУН БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФА...»

Президентимизнинг ҳали 1993 йил (6 сентябрь)даёқ Халқаро банклар конференцияси очилишида сўзлаган нутқидан олинган бу иқтибосни ўтган ҳафта эълон қилинган **«Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»**ги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг **«Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори учун бамисоли тамал тошлари бўлган эди, дейиш мумкин.

Зотан, ҳар иккала ҳужжатда ҳам мамлакатимизнинг банк-молия тармоқлари тизимида қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан, банклар салоҳиятини ошириш ва тадқиқотларни чуқурлаштириш жараёнларининг истиқболли йўналишлари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини чуқур ўрганиш йўлида Прогнозлаш институти ташкил этилиши — эндиликда тизимни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришда илмий-методик базанинг яратилишига имкон беради. Мамлакат халқ хўжалигининг устувор йўналишлари ва мақсадли вазифаларига белгиланган пул-кредит сиёсати шаклланиб, ички валюта бозорининг ривожланиш параметрлари аниқлашади, банклараро валюта савдолари механизми такомиллашади. Пировардида, икки босқичли банк ва молия тизимида прогнозлаштирилган ўсишлар рўй бериб, тижорат банклари билан молия институтлари фаолиятида мустақиллик вужудга келади.

Институтнинг аҳамият даражасини тасаввур қилиш учун уни республика Банк Кенгашига берилган мақом нуфузи билан қиёслаш кифоя: масалан, Кенгаш доимий тарзда ишлаб турувчи коллегиал орган бўлиб, у ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва мамлакат Парламентига ҳисоб берса, Институт ана шу Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади ҳамда республика Марказий банкига ҳисоб беради.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ТЕРРОРИЗМ — АСР ВАБОСИ

«ЕР ШАРИ — ИНСОНИЯТНИНГ УЙИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Евгений ЕВТУШЕНКО, шоир, АҚШ, Оклахома штати:

— Бугун инсоният тарбияга муҳтож. Атом бомбалари, турли хил оммавий қирғин қуроллари яратишга муккасидан кетган одам болалари шу кунларга келиб сайёрамизни аянчли аҳволга тушиб қолаётганини сезиб улгурдимикин, деган ўйдан бошим қотади. Дунёдаги барча халқлар тақдирига, дейлик, Эквадор давлатидан тортиб то улкан мамлакатлар аҳли қисматига даҳлдорлик туйғусини ҳис қилиб яшашдан бошқа чорамиз йўқ.

Замбарак оғзидаги ўқдан эмас, одамнинг ёвузлигидан қўрқмоқлик керак. Цивилизациянинг ёруғлик ёки зулматга хизмат қилиши — уни бошқараётган инсоннинг ақли расо одам ёки ёвуз ниятли кимса эканлигига боғлиқ. Ер шарида одамлар тинчлиги ва хотиржамлигини бузиб турган қаттол куч — террор ер юзида уруш нафаси кезиб турганини англатади. **Дунё яхлитлигини назардан қочирмасак, қайсидир мамлакатда содир бўлган портлаш айнан менинг уйимда ҳам содир бўлди, деб қарасак, бу фожианинг нечоғлик даҳшат эканлигини англаб етамиз.**

Дунёни асраб қолиш, бугун инсониятнинг ўз қўлида... Бу борада аниқроқ айтсам, барча йирик давлатлар президентлари, сиёсий арбоблари, зиёлилар жамулжам бўлиб, бир-бирига елкадош туришлари керак.

Террор ҳар қандай чегарани, инсоният қалбининг чегарасини ҳам бузиб ўтаяпти.

Довуд КУҒИЛТЕНОВ, шоир, Қалмиқистон, Елиста:

— Ҳар бир халқнинг ўз тили бор. Бу тилда у ёки бу миллатдаги фикр ифодаланади. Масалан, қалмиқлар Куёшни «Нарин», яқутлар эса «Кин» деб аташади. **Терроризм сўзи маъноси ҳам ҳар бир халқда совуқ ва даҳшатли бир тушунча билан аталади. Яъни, бу тушунчанинг ўзаги бир — террор.** Яъни, террор бутун дунё халқларига тушунукли бўлган сўз.

Террор фақат Америка Қўшма Штатларидаги осмонўпар бинолар портлатилган чоғдагина пайдо бўлган эмас, балки XIX асрда Россияда подшо саройи портлатилган дамда ҳам, балки ундан-да олдинроқ замонларда ҳам мавжуд эди. Бугун мен айтишим мумкинки, терроризм бу турган-битгани қулфат. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу сўз характери жиҳатидан эмас, балки хатти-ҳаракат жиҳатидан ҳам мухолифат тушунчасини бермайди. Ҳар бир миллатда ҳам, ҳар қандай динда ҳам одам ўлдириш энг оғир гуноҳ саналган.

Демак, инсоният учун энг муҳим иш — ер юзида қотиллик ва қонхўрликка йўл бермаслик. Биз дунёда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун курашмоғимиз керак.

Расул ҲАМЗАТОВ, шоир, Доғистон, Махачқалъа:

— Она-заминнинг бир бурчида ўрлаган қора тутун бошқа бир халқлар, элу элатлар миллатлар яшаётган ўлкаларгача етиб бораётганини бизнинг давримиз одамлари англаб етаяптилар. Терроризм кишиларни хушёр торттириб қўйди. Террор — оёқ остида туйқусдан содир бўладиган ёнғин... хавф-хатар. Бир пайтлар, дунё шоирлари ўтган асрни:

«XX аср ва жоҳатли, ҳалокатли асрга айланди, XX аср хумраймоқда, заволга тўлиб бормоқда», деб бонг урган эдилар... Эндиликда таърифлашга сўз ожиз тоифадаги баъзи кишиларнинг ўзи ёвузлашиб, қонхўр ва қотилликдан тап тортмайдиган даражага етиб келди. **Бугун дунёнинг барча сиёсатчи-арбоблари, адиблари: «Ер шари битта — у инсониятнинг уйи», — деган ғоя атрофида бирлашиши лозим.** Ер шарига, инсониятга тинчлик керак, инсоният, цивилизация, фан ва тафаккур қирраларини эгаллаган инсоният умумбашарий эзгу ғоя, эзгу тарбияга муҳтожлик сезмоқда.

Чабуа АМИРЭЖИБИ, ёзувчи, Грузия, Тбилиси:

Машҳур адибнинг овозида хасталик бор экан. Телефон орқали унинг гапларини ёзиб олишнинг иложи бўлмади. Шу сабабли саволларимизга ёзма равишда берган жавобини умр йўлдоши Тамара Григорьевна ўқиб берди:

— Терроризмнинг илдизини на Кавказ, на Шарқ, на Ғарбдан излаш шарт эмас. Терроризмни дунё миқёсида илдиз отиб бораётганини англашимиз керак, холос.

Одам ўлдиришдан қўрқмаган кимсаларнинг руҳиятидан инсонийлик туйғуларини ахтариш асло мумкин эмас.

Террорчилар — тарбиясида ёвуз ғоялар етакчилик қилган одамхўрлар тўдаси. Бугун дунёда иккита оқим ёхуд кучдесак ҳам бўлади — эзгулик ва ёвузликнинг XXI асрга хос кўринишлари пайдо бўлди. Террор ўтган асрдаги каби тузумлар орасидаги ихтилоф эмас, балки ер шарига тажовуз қилаётган, одамзот ҳаётини издан чиқаришга уринаётган ўта хавфли, даҳшатли бир кучдир.

Бу мусибатга қарши бутун дунё, одам болалари бирикиб оёққа қалқсагина, ер юзида тинчлик сақланиб туради.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Терроризм — инсоният тарихида, қадим замонларда ҳам бошқачароқ номлар остида мавжуд бўлган. Бироқ унинг моҳияти ҳар доим, ҳамиша битта бўлган — ўз қора ниятига ҳар қандай разил йўл билан сурбетларча эришиш.

Энг ёмони, бу қора қуюн ҳеч кимни айириб, аяб ўтирмайди. Улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Уларда на ватан, на миллат бор.

Бизнинг асримизга келиб бу машъум тўдага, халқ таъбири билан айтганда, барча «дордан қочганлар», аламзадалар қўшилиб кетдилар. Уларнинг дастидан муқаддас динимизга нисбатан ноўрин қарашлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Терроризм билан курашиш жараёни, менга нима учундир жаҳон муҳорабаси каби туюлаётир. Одам боласини иблис нечоғлик безовта қилмасин, уни барибир енга олмайди. Биз — ўзбекистонликлар терроризм ҳақида сўзлар эканмиз, бу тушунчага шунчаки мавҳум муносабат билан ёндашмаймиз. Биз — унинг қутқуларини, мусибатини ўз бошидан кечирган одамлармиз.

Юртбошимизнинг аввалдан ҳам, бугун ҳам бутун инсониятни террор, терроризм хавфидан огоҳ бўлишга чорлаши бежиз эмаслигини ҳар қайсимиз теранроқ англашимиз керак. Бу наинки ўзбекистонликлар, балки Ер шари аҳлига ҳам тааллуқли бўлган юксак инсоний даъватдир.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди.**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

КОНИСТИТУЦИЯ 10 ЙИЛЛИГИ

Шу кунларда ХДП ташкилотлари Асосий Қонунимиз қоидаларини ёшлар томонидан чуқур ўрганилишини ташкил қилиш ҳамда аҳоли ўртасида унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга хизмат қилувчи турли тадбирларни уюштирмоқдалар.

ХДП Юнусобод туман кенгаши билан республика ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази ҳамкорликда илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда Ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази директори ўринбосари, юридик фанлари номзоди М. Ғуломовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқаролик жамияти асослари», Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири О.Бўриевнинг «Темурийлар даври қонунчилиги тарихидан», Юнусобод туман имом-хатиби А. Ҳайдаровнинг «Конституция ва виждон эркинлиги кафолатлари» мавзулардаги маърузалари анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Хўжаобод туман партия кенгаши тумандаги қатор ташкилотларда, «Биз Конституцияни ўрганамиз!» шиори остида, «Фуқаролик ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» мавзуидаги тадбирларни ўтказди.

Асосий Қонунимизнинг 10 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида **Фарғона шаҳар партия кенгаши** томонидан жойларда учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда, Конституциянинг асосий тамойилларини тушунтириш билан бир қаторда, Юртбошимизнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, жамиятни янада демократлаштириш, партия ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш масалалари ҳам кенг ўрин тутмоқда.

Жондор тумани «Алиби» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Жингон маҳалласида, партия фаоллари ва ёшлар иштирокида, Конституция кунига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда ХДП Жондор туман кенгаши биринчи котиби Қ. Пўлатов, маҳалла қўмитаси раиси Г. Исаев, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Раҳимова, 30-мактаб директори И. Рўзиевлар сўзга чиқиб, Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб, кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Сирғали туман партия кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон Арвайс Техникс» ижара корхонасида шу санага бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси раиси ўринбосари Г. Эшонхонова фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал билишларининг аҳамияти тўғрисида чиқиш қилди.

Булоқбоши туман партия ташкилоти фаоллари Конституция кунига бағишлаб ўтказилган навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мавзусига бағишланди. Унда туман ҳокими А. Жалилов иштирок этди.

ЎзХДП Янгийўл шаҳар кенгаши ташкил этган «давра суҳбати» «Ўзбекистон Конституцияси — демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий кафолати» мавзуига бағишланди. Партия фаоллари ва тарғиботчилар иштирок этган мулоқотда ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими С. Қурбонов иштирок этди.

Шунингдек, бош Қонунимизнинг 10 йиллигига бағишланган тадбирлар жойларда **ХДП Андижон, Асака шаҳар, Балиқчи, Бўз, Бўстонлиқ, Зарбдор, Марҳамат, Пахтаобод, Сирғали, Улуғнор, Кўрғонтепа туман кенгашлари** томонидан ҳам ўтказилди.

ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР

ХДП Тошкент шаҳар кенгашида партия фаоллари иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов «Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида маъруза қилди.

Бўстонлиқ туман партия кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат, «Янги овул» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуқаҳҳор Тоирбоевнинг ўз сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг иқтисодий заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, аҳолидан тушаётган ариза ва мурожаатларни қаноатлантириш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғини билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Андижон туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлинмалари ҳамкорлигида ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган учрашувлар ўтказилди.

Сафларида 35 нафар аъзони бирлаштирган **«Кетринг» унитар корхонаси ХДП ташкилоти** (БПТ котиби Ш. Ашурова) Сирғали туманидаги энг фаол партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Кейинги пайтларда корхонада ТАСИС лойиҳаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази мутахассислари, адвокатлар иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар ходимларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

ХДП Жалолқудуқ туман кенгаши томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган тадбир «Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни» мавзусида бўлди.

Миробод туман партия кенгашида бўлиб ўтган сиёсий семинарда ЎзХДП МК масъул ходими М. Ельшов «Сиёсий партиялар, коммунал сиёсат ва фуқароларнинг ҳаётий манфаатлари» мавзуида маъруза қилди.

Айни кунларда вақтли матбуот нашрларига 2003 йил учун обуна мавсуми қизғин паллага кирди. Чироқчи туманидаги 5-механизациялашган шўъба корхонаси ходимлари ҳам бу ишдан четда қолгани йўқ.

— «Ўзбекистон овози» — бизнинг севимли газетамиз. Бу йил ушбу нашрга албатта, обуна бўлишга қарор қилдик, — дейди корхона раҳбари, ЎзХДП аъзоси Шерали Ҳусаинов.

Суратда: ЎзХДП Чироқчи туман кенгаши биринчи котиби Шоназар Жовлиев (ўнгдан биринчи) ҳамда корхона раҳбари Шерали Ҳусаиновлар (чапдан биринчи) корхона ходимлари билан газетада босилган материалларни муҳокама қилмоқдалар.

■ **Абдурасул ПАРДА олган сурат**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ

Айтиш жоизки, маънавий янгиланиш жараёни миллий хусусиятларни эътиборга олиш, мукаммаллаштириш ва уни тезроқ амалга ошириш — миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шартларидан биридир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, миллий ғоя ва миллий янгиланиш бир-бирини тақозо этувчи муштарак жараёнлар ҳамда тушунчалар ҳисобланади. Шу ўринда уларни ўзаро яқинлаштирувчи ва лозим бўлган пайтда бирлаштирувчи омил ва қадриятлар мавжуддир.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай жамиятнинг маънавий соҳасига қадриятларни ишлаб чиқиш ва уларни омма ўртасида ёйиш вазифаси юкланган. Ушбу соҳада маънавий ва бошқа ахборотлар шаклланади, англанади ва жамланади. Бунинг хулосаси, аниқроғи, натижаси ўлароқ маълум бир миллат манфаатларини ифода этувчи хусусиятлар намоён бўла боради ва пировардида маънавий янгиланиш — тафаккур ўзгариши юзага келиши натижасида миллий ғоя шаклланишига имконият туғилади.

Мустақиллик туфайли юзага келган имкониятдан фойдаланиб, **тафаккурдаги ўзгаришларни ижодий ва ижобий ривожлантиришга** кўмаклашиш мутасаддилар билан бир қаторда айнан ижтимоий фан ходимларининг асосий вазифалари қаторига киради. **Табиий жараён ўзгаришларнинг ижтимоийлашуви** масаласи мазкур ўзгаришлар қаторидаги яна бир муҳим муаммо бўлиб ҳисобланади. Тўғри, барча табиий жараёнларни ижтимоийлаштириб бўлмайди. Лекин тафаккурдаги ўзгаришларда табиийлик хусусиятларини юзага чиқариш инсонларнинг қўлида, десак хато бўлмас. Инсоннинг туғилиши, тарбияси, шахс сифатида шаклланиши ижтимоий тараққиёт моҳсули сифатидагина юзага чиқиши барчага маълум.

Тафаккур янгиланишининг моҳияти фарзандларимизнинг, кўпчилигимиз ўйлагандек, фақат жисмонан, табиий нуқтаи-назардангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишини таъминловчи таълим-тарбия тизимини вужудга келтирувчи ижтимоий муҳитни шакллантиришдир. Шу ўринда бир ривоят, бизнингча, жуда ўринли бўлар деб ўйлаймиз: Мусо пайғамбар қавмларини қуллиқдан қутқариш мақсадида уларни эргаштириб, сахрога олиб чиқиб кетади. Орадан ўн йиллар ўтиб қавмлари ундан «Эй, Мусо, сен бизга озодлик ваъда қилган эдинг. Биз шунча вақт очликдан ўлмаслик учун турли гиёҳлар ва уларнинг томирларини еб, амал-тақал билан ўзимизни ўлимдан сақлаб юрибмиз. Қачон бўлади, ўша, сен ваъда қилган озодлик?», — деб сўрашади. Мусо пайғамбар бироз кутиш лозимлигини таъкидлайди ва орадан ўн йиллар ўтгандан кейин бутун қавмларини йиғиб: «Мен сизларга ваъда қилган озодлик куни етиб келди. Мана орадан йигирма йил ўтиб сизлардан янги авлод юзага келди. Бу авлод қуллик нима эканлигини билмайди. Улар онгида қуллик ва мутелик тўғрисида ҳеч қандай из ҳам, тасаввур ҳам йўқ. Сизлар эса келган жойларингизга қайтиб борсаларингиз яна ўша эски ҳолатга қайтишингиз мумкин. Лекин бу янги авлод онги, тафаккури бундай асоратни тан олмайди. Мана сизларга озодлик», дея фикрини ифода этади.

Бугунги кунда Ватанимизнинг ўн-ўн беш ёшли фуқаролари онгида ҳам худди шундай тафаккурдаги мафкуравий мезон шаклланган. Уни янада мустаҳкамлаш, бегона тафаккурдаги мафкуралардан эҳтиёт қилиш, миллатимизнинг манфаатларига хизмат қилишга доим тайёр турувчи тафаккурга ва соғлом дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан Сиз билан бизга бериши керак.

Текшириш ва ўрганиш натижаларига қараганда, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дарс бераётган чет тили ва рус тили ўқитувчилари дарс пайтида талабалар билан олиб борадиган кўргазмали материаллари, матнлари айрим ҳолларда ҳали-ҳануз эски манбалардан иборат эканлиги маълум бўлди. Айниқса, кўргазмали материалларда собиқ шўролар даврига хос бўлган қаҳрамон шаҳарлар ва тарихий обидалар, замонавий архитектуралар сақланган. Савол туғилади: нима Ўзбекистондаги жаҳоншумул тарихий ўзгаришлар кўргазмали материалга етарли эмасми? Мустақиллик даврида қурилган архитектуравий иншоотлар кўргазмага ярамайдими? Ўтмиш меросимизнинг жаҳон тан олган обидалари-чи? Булар бари ўқувчилар онгида ғурур туйғусини уйғотиши, бундан-да юксак обидаларни яратишга ундаши мумкинлиги табиий эмасми? Маънавият-маърифат ва ўқув ишлари мутасаддилари буни назардан қочирмасликлари лозим.

Бизнинг назаримизда, дарс пайтида келтириладиган мисолларни авваломбор, имкон қадар, миллатимиз ва ватаниболиқ. Табиийки, бунинг учун аввало, маънавий жиҳатдан янги тафаккурга эга бўлган маънавияти миллий менталитетимиз мезонларига тўла жавоб берадиган тарбиячилар зарур ва уларни етиштириш лозим. Бугунги кунда маънавий жиҳатдан янгиланган тафаккурга эга бўлган маънавиятли инсонгина миллий қадриятларимизга ва менталитетимизга содиқ, уни янада ривожлантиришга жонкуяр авлодни етиштириши мумкин. Яъни тарбиячининг ўзи ҳар жиҳатдан тарбияланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам маънавий янгиланиш авваломбор тарбиячи тафаккурида рўй

ҳали-ҳануз эски манбалардан иборат эканлиги маълум бўлди. Айниқса, кўргазмали материалларда собиқ шўролар даврига хос бўлган қаҳрамон шаҳарлар ва тарихий обидалар, замонавий архитектуралар сақланган. Савол туғилади: нима Ўзбекистондаги жаҳоншумул тарихий ўзгаришлар кўргазмали материалга етарли эмасми? Мустақиллик даврида қурилган архитектуравий иншоотлар кўргазмага ярамайдими? Ўтмиш меросимизнинг жаҳон тан олган обидалари-чи? Булар бари ўқувчилар онгида ғурур туйғусини уйғотиши, бундан-да юк-

миз ифтихорини ифодалайдиган ватандошларимиз, ватанимиздан келтириш мақсадга мувофиқ.

Шубҳа йўққи, мустақиллик шарофати туфайли юзага келтирилган ижобий муҳит мамлакат халқларининг бир бутун бўлиб, миллий ғоя атрофида бирлашишларига ва кўзлаган мақсад сари бир жону бир тан бўлиб интилишларига кенг имкониятлар яратади. Бундай давлатнинг барча соҳалардаги тараққиёти беқиёсдир.Ўзбекистон худди шундай мамлакат бўлиб, ўзлигини ривожланган давлатлар қаторига қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўяётганлиги бежиз

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ЖИДДИЙ МИССИЯ

БМТ КОМИССИЯСИ ИРОҚДА ИШ БОШЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1441-резолюциясига кўра, шу йил 27 ноябрь куни Ироқда БМТ инспекцияси иш бошлади. Дастлаб ўта муҳим объектлар танлаб текширилади. Яъни, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилаяпти ва сақланаяпти, деб гумон қилинаётган ҳарбий базалар, корхоналар, илмий марказлар, омборлар ва президент саройлари мониторлар ҳамда мураккаб назорат-ўлчов техникалари ёрдамида текшириздан ўтказилади. Шунингдек, ядровий, биологик ва кимёвий қуроллар яратишга ва ишлаб чиқаришга дахлдор, деб ҳисобланган мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилади. Комиссия аъзолари уларни ҳатто Ироқдан ташқарига олиб чиқиб кетиб суҳбатлашишга ҳақлидирлар. Суҳбатдан ўтказиладиган одамлар бир неча минг кишини, текшириш олиб бориладиган объектлар эса 700 дан ортиқни ташкил этиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда. Ҳаммаси Ироқ томони берадиган аниқ ҳисоботларга ҳамда БМТ комиссияси аниқлайдиган маълумотларга боғлиқ. Агар томонлар бир-бирларини яхши тушунсалар ва тил топишиб ишласалар комиссия ўз вазифасини белгиланган муддатда адо этиши мумкин.

Шубҳасиз, БМТ комиссияси зиммасидаги вазифа ўта масъулиятли, ғоятда мураккаб, иш ҳажми эса жуда катта. Шунинг учун ҳам инспекторлар сонининг 400 нафардан ошиши кутилмоқда. Улар қирқдан ортиқ давлатдан танланган, саралаб олинган. Инспекторларнинг ўта малакали мутахассислардан иборат дастлабки гуруҳи эса Бағдодга келиб ишга киришди. БМТ комиссияси раиси Ханс Бликс Ироқ Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар олиб борди ва комиссия фаолияти билан боғлиқ амалий ишларни муҳокама қилди. Комиссия Ироқнинг Мўсул ва Басра шаҳарларида ўз бўлимларини очиши мумкин. Биринчи навбатда Ироқ томони комиссияга мавжуд қуроллар, уларга дахлдор лабораториялар, корхоналар, ҳарбий базалар, омборлар, иншоотлар, мутахассислар тўғрисида аниқ маълумотларни тақдим этиши зарур.

Комиссияга замонавий техника воситаларини қўллаш учун кенг ваколатлар берилган. Жумладан, инспекторлар разведка, кузатиш, эшитиш, шифрлаш, суратга ишлов бериш воситалари билан таъминланади. Улар ҳатто вертолётлардан, самолётлардан, учувчисиз учиш аппаратларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Инспекторлар махфий манбаларнинг маълумотларига эҳтиёж сезишлари аниқ. Шунинг учун ҳам АҚШ ва бошқа бир қанча давлатлар ўзларидаги бундай маълумотларни чегараланмаган миқдорда беришлари мумкин. Бу жараёнларнинг ҳаммаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Хавфсизлик Кенгаши назоратида амалга оширилади.

Шунингдек, БМТ инспекторларнинг хавфсизлигини таъминлаш чорасини кўрмоқда. Бу вазифани БМТнинг хавфсизлик кучлари амалга оширади.

Инспекторларнинг ўзларини, иш ва ётоқ жойларини қўриқлашга разведка ва махсус хизмат ходимлари ҳам жалб этилди. Улар энг замонавий техника воситалари билан таъминланган.

БМТ комиссияси ишининг муваффақияти ҳамма учун, аввало, урушдан сақланиб қоладиган Ироқнинг ўзи учун, қолаверса, ер юзида тинчлик ўрнатиш йўлида курашаётган жаҳон ҳамжамияти учун манфаат келтиради.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА...

Internetнинг "Lenta.ru" сайтида берилган хабарга кўра, яқинда Буюк Британияда умуммиллий сўров ўтказилган. Унда маълум бўлишича, Буюк Британия фуқароларининг кўпчилиги мамлакат келажагига шубҳа билан қарашини билдирган.

Иқтисодий муаммолар ва иқлимнинг ўта инжиқлиги 50 фоиз аҳолини ўзга мамлакатга кўчиб кетиш борасида ўйлаб кўришга мажбур этмоқда.

Британияликларни ташвишга солаётган асосий муаммолар қуйидагича экан: пенсия жамғармасининг самара бермаётгани, тиббий хизмат, йўлларнинг аҳволи, терроризмдан қўрқув ва Ироққа қарши уруш эълон қилиниши эҳтимоллиги.

ВЕЛОСИПЕД — ХИТОЙДА ОММАВИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҲИСОБЛАНАДИ



ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚУВАДА ЙЎҚОЛГАН МЕДАЛЬ

АМЕРИКАДАН ТОПИЛДИ

Кейинги йилларда жаҳондаги турли бадавлат коллекционерларга ўғирланган ноёб санъат асарлари, қадимий қўлёзмалар, осори-атиқалар етказиб берадиган кимсалар пайдо бўлди. Бундай нопоклар ҳатто бутун-бутун мамлакатларнинг миллий қадрияти ҳисобланган нарсаларни-да ўмариб, чет элларга сотиб юборишдан тоймаяптилар. Виждонсизлар қизиққан нарсалар орасида эски орден, медаллар ҳам бор...

Қувалик Муҳиддин Умурдинов иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, фашистлар додини берган ўзбекнинг мард ўғлонларидан бири эди. Жанглардаги жасоратлари учун у қаҳрамонлик олтин юлдузи ҳамда қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Қуваликлар ўз жасур ўғлонлари билан ҳамиша фахрланиб, уни ҳаётлигида иззатини жойига қўйишган. Вафотидан сўнг ҳам хотирасини ёд этиб, ардоқлаб келишади. 1998 йил май ойида юз берган тошқин пайтида Умурдиновлар оиласи ҳам кўп қатори уйларини қисқа муддатга тарк этишади. Аммо кучли жала, зим-зиё тун қўйнида қандайдир шарпа Умурдиновлар хонадонига писиб киради. У шу оиланинг муқаддас бойлиги ҳисобланган «Олтин юлдуз» медали, унинг ҳужжатларини олиб, қоронғу тун қўйнига сингиб кетади..

Оила аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, бу воқеани ҳозирча ошкор этмасликка, бирор жойга арз қилмасликка келишдилар...

Орадан салкам уч йил вақт ўтди. 2001 йил февраль ойида кутилмаганда олис Америкадан Умурдиновлар оиласига бир мактуб келди. Хат АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри фуқароси Генри Сакайда исмли кишидан эди. Унда Генри Сакайда Муҳиддин Умурдиновга тегишли «Олтин юлдуз» медали ўзида сақланаётганлигини билдирган ва Умурдиновнинг урушдан кейинги ҳаёти ҳақида маълумотлар сўраган эди. Отасининг табаррук ёдгорлиги изи топилганидан хурсанд бўлган Раҳматжон Сакайдага жавоб қайтарди. Сакайда кейинги мактубларидан бирида эса қаҳрамонлик юлдузи сурати ва ҳужжатлари нусхасини юборди. Ҳа, бу ўша «Олтин юлдуз» ва унинг ҳужжатлари эди...

Раҳматжон агар Сакайда рози бўлса, «Олтин юлдуз» ва ҳужжатларни сотиб олиш истагида унга яна мактуб йўллади.

Генри Сакайда иккинчи жаҳон урушига оид орден, медаллар, турли нишонларни коллекция қиларди. У кейинги йиллари ўз коллекциясини Марказий Осиё халқлари вакилларига тегишли орден ва медаллар билан бойитаётган эди. Иттифоқо, германиялик бир танишида шу ўлкаларга мансуб «Олтин юлдуз» борлигидан хабар топади ва уни сотиб олади. Сўнгра медаль орқасидаги рақамлар орқали «Олтин юлдуз» кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги билан алоқа боғлайди. Россияликлар Генри Сакайдага жавоб қайтариб, ушбу «Олтин юлдуз» Ўзбекистоннинг Қува туманида туғилган Муҳиддин Умурдиновга тегишли эканлигини маълум қиладилар.

Худди шу кунларнинг бирида Генри Сакайда (бу киши аслида япон миллатига мансуб) ўз одатича, Лос-Анжелесдаги уруш ёдгорликлари сотиладиган жойни айланиб юрган эди. Бу ерда бир одам собиқ иттифоқ қаҳрамонлари суратларини сотиб ўтирган экан. Сакайданинг эътибори, кўринишидан Осиё миллатига мансуб, қаҳрамон суратига тушади.

— Бу қаҳрамон қайси юрт фарзанди? — дея сўрайди Сакайда.

— Ўзбекистонлик. Муҳиддин Умурдинов!

Тасодифни қаранг! Сакайда ўз қўлидаги «Олтин юлдуз» соҳиби суратининг рўпарасидан чиққанига танг қолади ва суратни сотиб олади.

Шу йилнинг 9 август куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги музейида Муҳиддин Умурдиновга тегишли «Олтин юлдуз»ни унинг оила аъзоларига топширишга бағишланган маросим ўтказилди. Унда иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, шу муносабат билан АҚШдан келган генерал Питер Пейс, АҚШ элчихонаси ходимлари, расмий кишилар иштирок этдилар. Бундан тўрт йил муқаддам сирли равишда ғойиб бўлган «Олтин юлдуз»нинг Осиё, Европа ва Америка қитъалари бўйлаб ғаройиб сафари шу тарика ижобий хотима топди. Генри Сакайда «Олтин юлдуз» ва унинг ҳужжатларини ушбу ёдгорлик эгаларига беминнат қайтарди. Отасидан қолган муқаддас ёдгорликни қабул қилиб олар экан, Раҳматжон Умурдинов кўз ёшларини тўхтата олмади...

Дунёнинг ишларини қаранг, кимдир бир оилага тегишли ноёб ёдгорликни ўғирлаб, сотиб, хиёнаткор бўлди. Лекин Генри Сакайда каби қайси юрт, қайси ирқ фарзанди эканлигидан қатъи назар, диёнат аҳлига мансуб зотлар ҳалоллик билан обрў топдилар. Зеро, буюк фаранг адиби Ромен Роллан айтганидек, «Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ».

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Ҳошимжон НУРИДДИНОВ,
«Фарғона ҳақиқати» газетаси ходими.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИНИ ҚЎЙДИ

«Новости» ахборот агентлиги берган маълумотларга кўра, Арманистон Президенти Роберт Кочарян 2003 йилда бўлиб ўтадиган президент сайловларида қатнашишга розилик берди.

Арманистон фанлар миллий академиясида ўтказилган йиғинда мамлакат президентлиги учун бўладиган сайловларда президентликка унинг ҳам номзоди қўйилишини маълум қилди.

ЯНГИ ЙИЛГАЧА ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

Ингушетия ҳудудидаги чечен қочоқлари лагерлари янги йилгача ёпилади. Лагерлардаги аҳоли эса қайта Чеченистонга жўнатилади, дейилади «Эхо Москвы» тарқатган ахборотда. Унда айтилишича, Ингушетия раҳбарияти қочоқларнинг эски чодирларини инсонпарварлик ташкилотлари томонидан янгиланишига рухсат бермаган.

Бир неча кун аввал Ингушетия бош вазири ўринбосари Магомет Мархиев Грознийда вақтинчалик жойлашув пунктининг қурилиши якунлангач, 20 минг кишилик чечен қочоқлари ўз ватанига қайтарилиши хусусида баёнот берган эди.

ТУРКМАНБОШИГА СУИҚАСД УЮШТИРГАНЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовга суиқасд уюштиришда қатнашганлардан 16 киши ўша заҳоти қамоққа олинди. Улар туркман муҳолифатчилари етакчиларидан бирининг буюртмасини бажарган ёлланма қотиллар эканлиги эълон қилинди. Шу билан бирга бу ишда россиялик мансабдор шахсларнинг ҳам қўли борлиги қистириб ўтилди. Бу ҳақда Туркманистон Президенти маъмуриятининг халқаро ахборотлар бўлими бошлиғи Сардор Дурдиев баёнот берди. Бироқ Россия ҳукумати бу баёнотни рад этди. «Биз бу баёнотни шарҳлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Негаки, унда бирор-бир аниқ факт ва аниқ фамилиялар қайд этилмаган», деди Россия ҳукумати вакилларидан бири (исми ошкор этилмаслигини хоҳлади). Дарҳақиқат, бу борада аниқ исботлар ва далиллар йўқлигини Дурдиевнинг ўзи ҳам тан олган дейилади "Новости" ахборот агентлиги берган хабарда.

Дурдиевнинг айтишича, қўлга олинган суиқасд иштирокчиларининг 4 нафари грузин миллатига мансуб, аммо Туркманистон фуқаролари эмас. «Ашгабатда уларни ёлланган қотиллар дейишади. Аслида эса улар амалга оширган ҳодиса Туркманистоннинг конституциявий меъёрларига қарши, республикадаги осойишта ҳаётни издан чиқаришга қаратилган халқаро терроризмнинг бир кўринишидир» деди С. Дурдиев.

Эслатиб ўтамиз, душанба куни эрталаб президент кортежи шаҳар ташқарисидаги резиденциясидан Ашгабат марказига келаётган пайтда Туркманбоши шоҳкўчасида улар йўлини «КамАЗ» машинаси кесиб чиқиб, президент машинасини (рулда Ниёзовнинг ўзи эди) кузатиб келаётган кортеждан ажратиб қўяди. Шундан сўнг «BMW» ва иккита «Газель»даги ёлланган қотиллар президент машинасига қарата ўқ отишади (суиқасд Калашников автоматлари, карабин ва пистолетларда амалга оширилган). Бундан ташқари шу атрофдаги уйдан бир неча киши югуриб чиқиб, улар ҳам кортежга қарата ўт очишади.

Натижада бир неча киши яраланди. Ниёзовга эса шикаст етмади. У ўзининг бронланган лимузинида эсон-омон президент саройига етиб олди.

Туркманбошининг айтишича, суиқасднинг асосий ташкилотчиси республиканинг собиқ қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сапармурод Иқлимовдир (у республикадан ташқарида яшайди). Буни қўлга олинганлар ҳам тасдиқлашди. Иқлимов уларни қурол ва автомобиллар билан таъминлаган экан.

Шунингдек, Дурдиевнинг қайд этишича, собиқ ташқи ишлар вазири Борис Шихмуродов, Марказий банкнинг собиқ раҳбари Худойберди Оразов ва Туркманистоннинг Туркиядаги собиқ элчиси Нурмуҳаммад Ханамов (президент ҳам буларнинг номларини айтиб ўтган эди)лар ҳам суиқасд ташкилотчилари бўлиши мумкинлиги ҳақида гумонлар бор.

Туркманистон муҳолифатчилари ҳозирча бу борада бирор-бир эътироз ёки шарҳни илгари суришмай, сукут сақлашмоқда.

Ҳозир республикада кучайтирилган хавфсизлик чоралари кўрилмоқда. Ашгабатга кириш ва шаҳардан чиқиш ҳозирча тақиқланган. Транспорт текшириви амалга оширилмоқда. Шунингдек, шубҳали хонадонларда оммавий тинтув ўтказилмоқда.

ДЮМАНИНГ ҚАБРИ КЎЧИРИЛАДИ

Машҳур ёзувчи Александр Дюмани билмайдиган одам топилмаса керак. Бу ёзувчининг қабрини кўчиришга бағишланган тантанали маросим сешанба куни бошланди ва у бир ҳафта давом этади.

Гап шундаки, ёзувчи вафотидан сўнг унинг жасади ўзи туғилиб ўсган Вилье-Коттерэ шаҳридаги қабристонга 1872 йили кўмилган. Эртага эса унинг хоки ортилган кортеж у туғилиб ўсган шаҳар кўчаларидан ўтади ва жума куни Монте-Кристо қалъасида сақланади. Сўнг шанба куни эрталаб миллий гвардия соқчилари кузатуви остида Париждаги сенат биносига олиб борилади. Якшанбада эса у ердан Пантеонга жўнатилади ва 3 декабрь, сешанба куни тантанали равишда Виктор Гюго ҳамда Эмил Золялар билан ёнма-ён қилиб қайта қабрга қўйилади.

Мазкур тантана Франция маданият вазирлиги томонидан уюштирилмоқда, дейилади France-Presse агентлиги хабарномасида.

ВА ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ

Маънавий янгиланиш — бу барча мавжуд миллий қадриятларни қайтадан яратиш, дегани эмас. Бугунги кунда бизнинг вазифамиз ўзимиз учун қулай бўлган имкониятларни янгидан яратиш ва қадим боболаримиздан, авлоддан-авлодга ўтиб келганларини сайқаллаштириш ҳамда бойитишдир

эмас. Негаки, Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг йўналиши худди шунга қаратилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати эканлигига, шаклланаётган миллий ғоямизнинг асл мақсади шунга хизмат қилишга қаратилганлигига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон мустақил тараққиётидаги мавжуд жамиятга хос ижтимоий онг, унинг юзага келишида ижтимоий хулқ-атвор механизми тарзида намоён бўлувчи менталитетлик (ўзига хослик) хусусиятлари борки, улар ҳам миллий ғоя ва маънавий янгиланишнинг асосий омиллари қаторига киради. Ўтмишдан маълумки, ҳар бир миллий давлатнинг руҳи, хусусиятлари, фақат шу давлат манфаатлари ва урф-одатларига мос келувчи, хусусийликка мойил белгилар мавжуд. Масалан, барча миллатларда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муомала ҳамда мажбуриятлар бор. Баъзи давлатларда бу муносабат қонунлар билан белгиланган. Баъзиларида эса бу ўз-ўзидан, табиий равишда кишиларнинг инсонийлик ҳурмат-эътиборига молик ички ҳис-туйғулари билан боғлиқ фарз сифатида амал қилинади. Бу ерда уни қонун билан йўлга солишга ҳожат йўқ. Зеро, мусулмончиликнинг энг муқаддас қонунлари — Қуръони Каримда, Ҳадису Шарифда бу борадаги муносабатларга қарз ва фарз сифатида кенг ўрин берилган.

Миллий ғоя шаклланиши ва маънавий янгиланиш жараёни ўз навбатида мавжуд тузумда ислоҳ этилаётган таълим ва тарбия тизимининг қай даражада амал қилаётганлиги ва уни ҳаракатга келтирувчи имкониятларнинг мавжудлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мустақил тараққиёт йўлига ўтган мамлакатларнинг барчасида, албатта, айни шу соҳага катта эътибор бериш талаб қилинган. Бу йўналишга унчалик эътибор қилмаган мамлакатлар ўз мустақиллигини қайта йўқотганлиги ҳам тарихдан маълум.

Айрим кишилар давраларда, айниқса, ёшлар олдида шўролар давридаги ҳаётни мақтай бошлайди. Ҳозирги баъзи иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, шўро давридаги ҳаётни қўмсаб гапиради. Бу, албатта, ёшлар тасаввурида бошқача таассурот пайдо қилади ва бугунги мустақил тараққиётимизнинг моҳиятан чексиз имкониятларини бўғиб қўяди. Ёшлар тафаккури беқарорлигини юзага келтириши мумкин.

Мафкура оддий қилиб айтганда, муайян халқ ижтимоий гуруҳининг манфаатларини, мақсад, ғоя ва қадриятларини эътироф этувчи турли хил нуқтаи назарлар ҳамда эътиқодлар мажмуи демакдир. Бошқача қилиб айтганда, жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, аҳлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар ва фикр-ғояларда ифодаланган умумманфаат ва умуммақсад мажмуи — халқ мафкураси деб аталади.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат, жамият ўзи амалга ошираётган тарихий вазифани асословчи, барча ижтимоий табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод вакилларини шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи умумхалқ мафкурасига эга бўлишини тақозо этган. Ҳар бир табақа, сиёсий гуруҳ, партиялар, миллатлар, диний эътиқод вакиллари ва мавжуд ижтимоий кучлар ўзларининг илгари сурган ғоялари асосида ўз мафкурасини ишлаб чиқишлари табиий зарурият ҳисобланади. Унинг умумий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, умумманфаатлар бирлиги ва мослиги асосида халқ мафкураси шаклланади.

Халқимизнинг мустақил тараққиётига, равнақига, тафаккур ўзгаришига тўсиқ бўлувчи, зарар келтирувчи нуқсонлардан бири бу беэътиборлик иллатидир. Атрофимизда юртимиз, ватанимиз шаънига доғ туширувчиларга нисбатан — халқнинг ор-номусига нисбатан, миллат ва Ватан қадриятларига нисбатан, унинг қонунларига нисбатан ҳурматсизлик билан қаровчи, уларни атайлаб оёқости қилишга уринувчи кимсаларга нисбатан эътиборсиз бўлиш, беэътиборлик баркамол авлод мафкурасининг шаклланишига жиддий зарар келтиради. Айниқса, ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун масъул бўлгани каби ҳар бир ўқув даргоҳи ҳам ўз талабаларига ва ходимларига нисбатан худди шундай масъул бўлмоғи лозим. Ана шунда кўп салбий хатти-ҳаракатларнинг олди олинади. Маънавияти юксак, соғлом фикрли авлод вояга етади. Жамиятда миллий маънавият ва мафкуранинг шаклланиши тафаккур ўзгаришига олиб келади.

■ **Ўрол АБИЛОВ,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

КЎРГАЗМА

SONY ИМКОНИЯТЛАРИ



Пойтахтдаги халқаро бизнес марказида SONY компаниясининг илк кўргазмаси бўлиб ўтди. Маълумки, SONYнинг маҳсулотлари истеъмолчилар ўртасида катта ишонч ва ҳурматга эга. Бу ишончни мустаҳкамлаш учун у доимо ҳаракатда.

Ўзбекистонлик буюртмачиларга янада яқинроқ бўлиш мақсадида компания электроника соҳасидаги қатор янги ишланмаларини намойиш этиш мақсадида кўргазмани ташкил этди. SONY ваколатхонасининг бошлиғи, «Сони МДҲ» ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори жаноб Сигеру Араи таъкидлаганидек, «SONY маҳсулотлари ва кўргазмасига Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва шахсан муҳтарам Президент Ислом Каримовнинг бевосита қизиқиш билдирганлиги биз учун катта шарафдир. Биз мазкур кўргазмага муҳим аҳамият бердик. Зеро, у амалий ҳамкорликнинг янги йўлларини очибгина қолмай, айни чоғда япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик кўприкларини мустаҳкамлайди».

Кўргазмада SONY фаолиятининг кўпчиликка ҳали яхши таниш бўлмаган соҳаси — корпоратив секторни ўз ичига олди. Компаниянинг энг замонавий технологияларидан каттагина қисми томошабинлар ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилди. Бу, энг аввало, телевизион кўрсатувлар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, шунингдек, ахборот технологияларини ривожлантириш доирасида — турли бўғиндаги раҳбарлар қизиқишларига хизмат қилувчи корпоратив тизимлардир. Конференция заллари ва мажлислар хоналари учун овоз асбоб-ускуналари, телеконференция тизими кўринишидаги электрон коммуникация воситалари, катта экранларда тасвирларни кўрсатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, кўргазмада SONYнинг имкониятлари кенг намойиш этилди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕЙСБОЛ ОММАВИЙЛАШМОҚДА

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги бейсбол майдонида «Литтл Лиг Интернейшнл» (Халқаро ўсмирлар лигаси) ва «Уилсон» спорт анжомлари компаниясининг Ўзбекистон ўсмирлар лигасига бейсбол анжомларини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонда бейсболни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд, иқтидорли ёшлар ҳам талайгина, — деди тадбирда иштирок этган АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбст. — Айни пайтда «Литтл Лиг Интернейшнл» дунёдаги юздан зиёд давлатда бейсболнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватламоқда. Мен бейсбол анжомларини тақдим этган «Литтл Лиг Интернейшнл» ва «Уилсон» спорт анжомлари компаниясига, мамлакатингизда бейсболни ривожлантиришга катта эътибор бераётган Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик изҳор қиламан.

Ўзбекистон бейсбол федерацияси бош котиби Рустам Абдуқодировнинг маълум қилишича, спортнинг бу тури кейинги йилларда кескин ривожланиш палласига кирган. 1999 йил 31 декабрда Ўзбекистон бейсбол федерацияси тузилди. Миллий терма жамоамиз эса бир қанча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, бейсболчиларимиз 2001 йили Индонезияда ўтказилган Осиё кубогида бешинчи ўринни эгаллади. Жорий йилнинг октябрь ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган мусобақада эса биринчи ўринга сазовор бўлди.

Бейсбол қоидасига кўра, унда тўққиз нафар ўйинчидан таркиб топган икки жамоа ўзаро куч синашади. Пойтахтдаги бейсбол майдонида бўлган тадбирда ҳам Тошкент халқаро мактаби ўқувчиларидан иборат АҚШ жамоаси ва Ўзбекистон бейсбол федерацияси жамоаси майдонга тушди.

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири**

✧✧✧

Суратларда: тадбирдан лавҳалар **Муҳаммад АМИН олган суратлар**

«НЕФТЧИ» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ. ЛЕКИН...

AFC CHAMPIONS LEAGUE

26 ноябрь куни Осиё чемпионлар лигаси тўртинчи босқичининг бир неча жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Фарғонада «Нефтчи» жамоаси «Истиқлол» (Эрон) футболчилари билан куч синашди. Бу жамоаларнинг Теҳронда ўтган дастлабки ўйини 1:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлганди.

Жавоб учрашувидаги дуранг ёки бир тўп фарқи билан кичик ҳисобдаги мағлубият ҳам «Истиқлол»га навбатдаги гуруҳ босқичига чиқиш имкониятини берарди. Фарғоналиклар эса бунинг учун ўз майдонларида камида 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишлари зарур эди. Шу боис, «Нефтчи» футболчилари илк дақиқаданоқ ҳужумкорликка зўр бериб, ўз жарима майдончаларида рақибларининг эркин ҳаракат қилишларига имкон яратишди. Бу эса ҳамюртларимизга қимматга тушди. 24-дақиқада «Истиқлол» ҳужумчиси Ядуллоҳ Акбарий ўз жамоасини олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлимда «Нефтчи» футболчилари Сергей Ни ва Умид Исоқовлар рақиб дарвозасини икки бор ишғол қилишди — 2:1. Бироқ, бу ғалаба ҳамюртларимизни кейинги босқичга олиб чиқмади.

Кеча эса Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Дубайда «Ал-Аҳли» (БАА) футболчиларига қарши майдонга чиқди. Бу жамоаларнинг пойтахтимизда ўтган дастлабки учрашувида 3:2 ҳисобида пахтакорчилар зафар қучишганди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ» ТАНЛОВИГА

МИНИАТЮРА — ТУҒЁНЛАР ТАСВИРИ

ТАНИҚЛИ МИНИАТЮРАЧИ РАССОМ НИЁЗАЛИ ХОЛМАТОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Қадимдан маълумки, Шарқ мумтоз маданиятида миниатюра санъати етакчи ўрин эгаллаб келган. Унинг намояндалари ўз даврида бу санъат турини энг юксак даражага кўтаришган. Шу ўринда савол туғилади: миниатюра аслида қандай жанр?

— Миниатюра санъати хусусида тўхталадиган бўлсак, даставвал миниатюра ибораси қандай пайдо бўлганлиги ва бу иборанинг замирида қандай тушунча ётганлигини аниқлаб олишимиз керак. Европадан кириб келган «миниатюра» ибораси кўпроқ ҳажм маъносини англатади. Умуман олганда, миниатюра сўзининг икки хил маъноси бор. Биринчидан, у қизил ранг маъносини англатиб, лотинча «мини» сўзидан олинган.

Иккинчиси ҳажм маъносида қўлланиладиган тушунча. Бу кўпинча халқаро статистик ибораларда кичиклик, ихчамлик, мўъжазлик маъноларида ишлатилади. Агар биринчи маъносига тўхталадиган бўлсак, қизил деганда қандайдир нарсага сифат бериш, шуни ранг жиҳатдан аниқлаш эмас, балки гўзаллик маъносини ҳам англатади. Аслида миниатюра ибораси кичик ҳажм, деган тушунчани бериши мумкин. Тарихга назар соладиган бўлсак, ота-боболаримиз миниатюра тушунчасини мутлақо ишлатишмаган. Яъни, бу сўз туркий халқларда ҳажм маъносида қўлланилмаган. Нима учун ҳажм тушунчасига кўпроқ урғу бераяпмиз? Сабаби шундаки, миниатюра санъати нафақат ўрта асрларда, балки эрамизнинг илк асрларида яратилган «Афросиёб», «Панжикент», «Болаликтепа» саройлари деворларига ишланган суратларда ҳам учрайди. Демак, бу жанрнинг тарихи янада қадимийроқ.

— Камолиддин Беҳзод миниатюра мактаби ва ҳозирги давр ўртасидаги узвийлик ҳақида нималар дея оласиз?

— Камолиддин Беҳзод мактабининг асосини муҳим қонуниятлар ташкил этади. Тасвирий санъатда мактаб яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун мусаввир танлаган йўналиш вақт синовидан ўтиши керак. Унинг ҳаётийлигини давр белгилайди. Мана шу мезонларга дош бера олган йўналишгина ҳақиқий мактабга айланади.

Ҳозирда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида миниатюра кафедраси мавжуд. Мазкур кафедра қошида академик Алишер Мирзаевнинг устахонаси бор. Мен у ерда композиция бўйича талабаларга дарс бераман. Бизнинг вазифамиз XV-XVI асрларда яратилган миниатюра асарларини тадқиқ қилиш билан бирга ҳозирги даврнинг гўзал санъат мактабини яратиш. Шуниси қувончлики, санъат нафақат бир даврнинг тасвири, балки глобал аҳамият касб этадиган санъат эканлигини ёшларимиз англаб етмоқда.

— Жаҳон миниатюра санъатида қандай йўналиш устун?

— Хориж миниатюра санъати билан шарқона миниатюра хусусида тўхталадиган бўлсак, айни пайтда бу мактаблар ўз йўналишида ривожланиб бормоқда. Европа тасвирий санъатида модерн оқимининг салмоғи баланд. Ҳозирда кўпчилик чет эл давлатларида айнан шу йўналишда ижод қилинмоқда. Агар хорижий миниатюрачи рассомлар билан ҳамкорлик кенгроқ йўлга қўйилса, бу албатта, санъатимизнинг янги қирралари кашф қилинишига туртки беради.



— Хорижда бизнинг миллий миниатюра санъатимизга қандай қарашади?

— Тасвирий санъат асарида ҳар бир деталь миллийликни акс эттириб туриши керак. Миллийлик уфуриб турган асаргина миллатнинг ҳақиқий бойлиги ҳисобланади. Хориж мамлакатларида бўлганимда шу нарсани англадимки, улар санъат асаридан ёркин миллий руҳни ахтаришар экан. Уларнинг наздида асарнинг қиммати ҳам айнан шунда. Яна уларни қизиқтирадиган томони миниатюранинг нафислигидир. Бамисоли шеъриятдагидек. Миниатюрада инсон руҳий кечинмаларининг энг гўзал тасвирлари ифодаланади.

— Энди миниатюрачи рассом сифатида ўз ижодий фаолиятингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз. Айтинг-чи, нима учун айнан миниатюра санъатини танлагансиз? Бу йўналишнинг сиз учун муҳимлиги қай даражада?

— Ёшлигимда бу соҳа бўйича менда деярли тушунча йўқ эди. Ҳаёт тақозоси эканми, бир дўстим билан Москвадаги Санъат рассомчилиги билим юртига бориб қолдик. Рус миниатюра санъатининг жуда чиройли, дид билан ишланган намуналарини кўрдик. Шу кўйи менда қизиқиш уйғонди. Ўша билим даргоҳига ўқишга кирдим. Ўқиш давомида Ҳинд, Эрон, Ўрта Осиё миниатюрасига оид бўлган йўналишлар билан танишдим. Миниатюра соҳасидаги дастлабки асарларимни ярата бошладим. Ўз изланишларим давомида миллий санъатимиз нақадар теранлиги, ундаги мавжуд анъаналар замон билан ҳамнафас яшаб келаётганлигини ҳис қилганман. Ўшанда кўнглимда миниатюра жанрида қилган ишларимни ўз юртимдаги кўргазмаларда намойиш этишдек эзгу орзу-ниятим туғилганди. Бу орзуим 80-йилларга келиб рўёбга чиқди. Бу ерда Рассомлар уюшмасининг раиси Раҳим Аҳмедов ижодий ишларимни яхши қабул қилиб, санъат соҳасидаги изланишларимга туртки берди.

Миниатюра — туғёнлар тасвири. Унда ёркин туйғу ва кучли ҳиссиёт уйғунлашуви натижасида инсон руҳий оламининг бетакрор гўзаллиги яратилади. Миниатюрада ишлатилган элементлар кишини ҳайратга солади. Унда тоғ-тошлар қандайдир афсонавий жонзотларнинг тасвирини эслатувчи пейзажлар билан ишланган бўлади ёки бир-бирининг устига қалашиб кетган тошлар кўринишида тасвирланади. Айнан шу тасвирни табиатда кўрмайсиз, бу — санъатнинг гўзаллиги. Шунинг учун миниатюра жанри катта фантазия, кўрган нарсани айнан кўчириб олиш эмас, уни трансформация йўли билан ифодалашдир.

— Ҳар қандай касбнинг равнақи биринчи галда ўша соҳа бўйича етук кадрлар тайёрланишига боғлиқ. Сизнингча, замонавий тасвирий санъат эгаларини тайёрлашда юртимизда қўлланилаётган таълим тизими бугунги кун талабларига тўла мос келадими?

— Замон руҳидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, ҳозирги пайтда амалда бўлган рассомларга таълим бериш йўналишини янада такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман. Чунки олий ўқув юртини битириб ўз йўналишини топа олмай юрган талабалар қанча? Ваҳоланки, ўқишни битиргандан кейин қайси йўналишни танласам экан, деган масала ўқишга кирган палладаёқ ҳал қилиниши керак. Ана шундагина ёш мусаввирлар ижодида депсиниш ҳолати бўлмайди. Тасвирий санъат соҳасида мўйқалам тебратадиган рассом санъатнинг ҳар соҳасидан маълум даражада билим олса, бу унинг ақлий ва маънавий камолотга етишувида муҳим ўрин тутади. Демоқчиманки, талабаларга шеърият ва мусиқа билан алоқадор дарслар ҳам ўқитилиши керак. Ана шунда улар санъат турларининг бир-бирига муштараклигини, бир-бирига узвий боғлиқлигини ҳис этадилар.

Камолиддин Беҳзод ворисларининг зиммасидаги масъулият қутлуғ ва шарафли. Миллий санъатимизнинг юксак пиллапояларга кўтарилишида уларнинг роли муҳимдир. Шу билан бирга тасвирий санъатда асрлар давомида шаклланиб келган миниатюра жанрининг келажаги ва истиқболи бугунги ёшларимизнинг қўлида.

■ **Суҳбатдош: Нодира ҚУРБОНОВА**

НАВОИЙДА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ

Истиқлол шукуҳи, қувончини қарангки, навқирон Навоий вилоятида коллежлар сони яна биттага кўпайди. Бу Навоий шаҳрида қуриб, фойдаланишга топширилган маданият ва санъат коллежидир. 10 турдаги мутахассисликка йўналтирилган ушбу замонавий ўқув маскани 1100 ўринли бўлиб, асосан маданият, кино ва театр санъати учун малакали кадрлар тайёрлаб беради. 2,5 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган кўп қаватли илм даргоҳи нафақат мажлислар зали, балки спорт ва ўз театр залига ҳам эга. Шунингдек, коллежнинг шундоққина ёнида 300 ўринли талабалар ётоқхонаси ҳам бўлиб, унда олис Учқудуқ, Томди, Конимех, Нуротадан келган санъатсевар талабалар яшашмоқда.

— Коллежимиз икки йилда қуриб, фойдаланишга топширилди, — дейди билим маскани раҳбари Фазлиддин Бўронов. — Унинг шу кун талаблари даражасида бунёд этилишида Навоий қурилиш бошқармасига қарашли «Трест — 2000» ҳиссадорлик жамияти ҳамда вилоят хўжаликлараро жамоа қурилиши бошқармаси қурувчилари шижоат кўрсатишди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ПРИЕМА ЗАЯВОК НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

Решением тендерной комиссии РГП «Бошкоммунгаз» срок приема заявок на участие в тендерных торгах по закупке материально-технических ресурсов, объявленных в газете «Ўзбекистон овози» 9 ноября 2002 года, продлевается до 18^{00} часов 6 декабря, пакет тендерной документации и дополнительную информацию можно получить в РГП «Бошкоммунгаз» Управления ВЭД и приватизации по адресу:

г.Ташкент, 700035, ул. Ниёзбек йўли, 1.
телефоны (998 71) 133-94-41, 133-94-47, факс (998 71) 132-25-06.
E-mail gaztech@sarcor.uz
Тендерная комиссия РГП «Бошкоммунгаз»

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши республика Рассомчилик коллежи директорининг биринчи муовини, ҳудудий партия ташкилотининг котиби Ҳасан Аминовга опаси **МУКАМБАРХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиевга акаси **Исомиддин Кароматович Маъдиев**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР КОММУНАЛ БОШҚАРМАЛАРИ БАЛАНСИДА БЎЛГАН МУНИЦИПАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИЛМОҚДА

Т/р	Объект манзили	Фойдали майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
1	Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 4-«Б»уй.	381,2	8993286
2	Акмал Икромов тумани, Раҳимбобоев кўчаси, 36-уй.	240	8053216
3	Акмал Икромов тумани, Г-9 а-мавзе, 20-уй.	184	6868010
4	Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 83-уй.	87	5974812
5	«Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми.	185	74000000
6	«Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе.	185	74000000
7	«Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми	185	74000000
8	«Олой» бозори, асосий бинонинг 1-қаватидаги фойе қисми.	185	74000000
9	«Олой» бозори, асосий бино 1-қавати.	41	16402142
10	«Олой» бозори, асосий бино 1-қавати.	39	15600991
11	«Олой» бозори, асосий бино 1-қавати.	39	15602040
12	«Олой» бозори, асосий бино 1-қавати.	38	15222882
13	Собир Раҳимов тумани, «Қора-Қамиш» даҳаси, 1/4-мавзе, 26.	32	832573
14	Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уй.	84	2939110

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида бўлиб ўтади.

Биржа савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароунноҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.

Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 20.50
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA